

001725

Шарк-1С

22/333

-сонли шартнома

Тариф қиймати:
 Сув 1 м³ 100 (+НДС15%+100 сүм) сүм
 Окава 1 м³ 350 (+НДС15%+100 сүм) сүм

II Гурух истеъмолчиларга ичимлик ва оқава суви хизматларини кўрсатиш учун

Тошкент шт.

« » 2022 й.

Ушбу шартнома "Тошкент шахар сув таъминоти" МЧЖ, кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилади. Низом асосида фаолият юритилиши

Сув таъминот бошкада сув ташкилоти Тошкент шахарини (Ф.И.Ш.)
 шахса, бир томондан ва кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилувчи
 асосида иш олиб борувчи директор (Ф.И.Ш., лавозими)

иккинчи томондан, куйидагилар хакида тузилиди:

I. Шартнома предмети

1.1. 2022 йил учун сув етказиш хажми учун тузилиш шартномага мувофиқ бюджет ташкилотлари ва II гурух истеъмолчилари учун сув етказиши 1563,00 нарх бўйича 3418,53 м³ ни:
 1 м³ сув учун 400 сўм (+ККС 15%), +100 сўм (махсус устама хак)ни ташкил килмоқда
 1 м³ окава суюқлик учун 350 сўм (+ККС 15%) +100 сўм (махсус устама хак)
 Шу тарика шартноманинг умумий қиймати 5349999,45 сўмни ташкил килди.(сумма ёзув билан)
 Шу жумладан, бюджет маблағларидан 5349999,45 сўм, бюджетдан ташқари маблағларидан
 тўланиши кўзда тутилган.

Бюджет ташкилотлари II гурух истеъмолчилари Коидаларда белгиланган тарзда "Таъминотчи" томонидан тақдим қилинган ҳисобварақ фактураларга асосан, Молия вазирлиги Фазначилиги оркали сув таъминоти ва окава сувини чиқариш учун ўтказилган маблағлар оркали амалга оширилади.

1.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни O'zDSt 950: 2011 «Ичимлик суви, гигиеник талаблар ва сифат назорати» амалдаги стандартига мувофиқ равишда баркарор таъминлайди. Ушбу стандарт назорат Давлат санитария-эпидемиология назорати томонидан амалга оширилиб, сув кувурлари тариф қийматида (ККС ни ҳисобга олган холда) хўжалик-майший ва ишлаб чиқариш-технologik эҳтиёжларга йўналтиради.

1.3. «Истеъмолчи» ўрнатилган муддатлар ичизи "Таъминотчи"га кўрсатилган сув таъминоти ва сув чиқариши хизматлари учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг сув таъминоти ва окава сувини чиқариш бўйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг конунчилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 июндан 194-сонли карори билан тасдиқланган "Истеъмолчиларга сув таъминоти ва окава сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш Коидалари"га (кейинчалик матнда – Коидалар деб юритилади), ва Тошкент шахар хокимининг 2020 йил 1 апрелдаги № 317-сонли карорига, унга мувофиқ тарифга, 1 м³ сув учун ва канализация хизматларига ҳам

1 м³ 100 сўм маҳсус устама хак жорий этилган ҳамда "Таъминотчи" томонидан тақдим қилинган коммунал сув етказиб бериш ва окава сув чиқариши тизимига уланиш учун рухсат этувчи хўжжатларга риоя килиш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.

1.5. «Истеъмолчи» ушбу шартномага, унинг тасаррӯфидаги барча объектларининг (филиал ва суб-истеъмолчиларининг) дислокациясини, уларнинг сувда эҳтиёжи ва шахар сув тизимига уланишдаги эҳтиёжини, етказиб берининг микдори ва диаметрларини кўрсатган холда, кўтказир нусхасини тақдим киласи, "Таъминотчи"ни ўз вақтида сув ўтказиш-окава хўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилидаги ўзгаришлар хакида хабардор киласи.

II. Умумий коидалар

2.1. Ичимлик суви билан экинларни сугориш, ховлилар, йўлакчаларига ўрнатилган вақтдан ташкири сув сепип, ҳамда, ичимлик сувидан автомашиналарни ювиши учун фойдаланиши қатъян ман этилади.

2.2. Коммунал сув таъминоти тизимларидаги ичимлик суви истеъмолчи (суб-истеъмолчи)ларнинг хўжалик-истеъмол ва коммунал-майший эҳтиёжлари, ёнгилларни ўчириш, шунингдек, ичимлик суви талаб этиладиган технологик ва ишлаб чиқариши жараёнлари учун мўлжалланган.

"Таъминотчи"нинг техник имкониятлари мавжуд бўлган холатларда, ихтисослашган истеъмолчиларга ичимлик суви марказий коммунал сув таъминоти тизимларидан етказиб берилади.

2.3. Асосий истеъмолчининг тармокларидан сув олиб, окава сувларини "Истеъмолчининг" канализацион тармокларига ўтвучи суб-истеъмолчилар сув таъминоти ва окава сувини чиқариш шартномасини "Истеъмолчи" билан тасдиқланган "Коидаларга" мувофиқ тузадилар.

2.4. Сувни ҳисобга олиш асбоблари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан текширилган ва тамғаланган бўлиши ва сув ўлчаш тармоги сув-коммунал хўжалиги ташкилоти томонидан тамғаланиши лозим. Шунингдек ичимлик сувини ҳисобга олиш ускунасининг ечиш, киёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 20 августдаги №-698 сонли карорига мувофиқ юритилади.

2.5. "Истеъмолчи"га ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш курилмасининг шартли ўтказгичининг диаметри (калибри) ҳисоб-китоб асосида аниқланади, обьектнинг максимал сув истеъмоли ва минимал сув истеъмолига текширилади ва "Истеъмолчи" билан келишилади. Ҳисоблаш курилмаси учун ўрнатилган минимал истеъмол микдоридан кам микдорда сув истеъмол қилинганда, "Таъминотчи" сув ўлчаш тармогини кайтадан курилма билан таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмагандан, ҳисоблаш курилмасининг кўрсаткичлари кабул қилинмайди ва ҳисоблаш Коидаларда ўрнатилган тартибида амалга оширилади.

2.6. Сув ўтказиш-канализация хўжалигининг реконструкцияси, ҳисоблаш курилмаларини ишга тушириш, ҳисоблаш курилмаларини алмаштириш, янги суб-истеъмолчиларининг уланиши Истеъмолчи томонидан факат "Таъминотчи" тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиха асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар "Истеъмолчининг" сўровномаси асосида, барча тасдиковчи хўжжатларни илова килган холда берилади."Таъминотчи"дан олинган техник шартлар асосида, "Истеъмолчи" буортмасига асосан, амалдаги месъёр, коидалар ва бошқа месъёр хўжжатлар асосида лойихалаштириш ташкилоти томонидан уланиш лойхаси ишлаб чиқиласи.

2.7. Курилган уламаларнинг ишга туширилиши "Таъминотчи" томонидан, "Истеъмолчи" ва курилиш ташкилот вакилларининг иштироқида амалга оширилади.

2.8. Агар сув таъминоти ва сув чиқариши хизматлари учун нархларда ўзгариш вужудга келса, тўлов янги тарифлар асосида амалга оширилади.

2.9. Коммунал сув таъминоти ва сув чиқариши қисмларининг техник холати учун эксплуатациян масъулият чегараси (сув ва окава тизимлари, курилмалар ва уларнинг мосламалари) сув-коммунал хўжаликлари ва истеъмолчилар орасида, хусусий ўй-жой мулкдорлари ширкатлари орасида кўйидагилардан иборат:

а) сув истеъмоли учун узатиш тармогининг киритиш курилмаси бўлиб, у коммунал тармокдан ўчирилади. Сув кувурини, шу жумладан узатиш курилмасини ишга тушириш истеъмолчининг ички сув узатиш тизимининг бир қисмидир;

б) окава тизими учуб магистрал окава тизимига уланиши нуктасидаги сув чиқариш кудуги бўлиб, у "Истеъмолчи"нинг ички окава тизимининг бир қисмидир. Агар чиқариш окава кудуги магистрал окава тармогида жойлашган бўлса, кўрсатилган қудук сув-коммунал хўжалигининг бир қисми бўлади, узатиш тармогининг эксплуатацияси esa "Истеъмолчи"нинг кучи ва маблағи ҳисобга амалга оширилади.

III. Тарафларнинг хукуқ ва мажбуриятлари

3.1. Истемолчининг хукуклари:

- а) "Таъминотчи"дан, у билан тузилган шартнома асосида, ичимлик сув ва оқова сувни чиқариш хизматларининг узлуксиз амалга оширилишини, ўз хаёти ва соглиғига, мулкига ҳавф түгдирмайдиган даражадаги сифат ва міндорда ичимлик сув берилшини талаб қилиш;
б) "Истемолчи" хисобидан хисобташ курилмасини ўрнатиш;
в) тегишли сифат даражасидаги ичимлик сув ва оқова сув тармокларига хизмат кўрсатиш талабларини бажармаганлиги учун "Таъминотчи"дан конунчиликда ва шартнома шартларида кўрсатилган міндорда жарима (пеня)лар тўлашни талаб қилиш;
г) "Таъминотчи"ни шартноманинг бекор қилиш тўғрисида, унинг бекор килиншидан камида 15 кун оддин огохлантирган ҳолда ва ушбу муддатда сув таъминоти ёки оқова сувни чиқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлик амалга оширган ҳолда шартноманинг бир томонлами бекор қилиш;
д) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги хакидаги маълумотлар ва маълумотноманинг (шахсан ёки ўз вакили орқали) белуп олиш;
е) "Таъминотчи"дан ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматларини ҳажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариши хакидаги маълумотларни белуп олиш;
ж) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш бўйича кўрсатилмаётгандаги ёки уларнинг паст сифатда эканлиги тўғрисидаги далолатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида таъминотчидан носозлик ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги маълумотларни олиш;

ж) Давлат санитария эпидемиология маркази органлари томонидан тасдиқланган амалдаги стандартларга жавоб берадиган сифатли ичимлик сувни билан таъминланмаганлик (сифатсиз ичимлик сув мавжудлиги аниқланган даврдан у тегишли даражага олиб келинган вакт) учун кайта хисоб-китоб амалга оширилишини талаб қилиш;

3.2. Истемолчининг мажбуриятлари:

- а) шартнома шартнарини бажариш;
б) ўзининг худудида жойлашган ва уларга тегишли бўлган коммунал сув ва оқава тармоклари ва курилмаларининг мувофиқ равишда кўриклишини, уларга сув тошици ёки шактланишига, музлаб колишига йўл кўймаслик, кудук копкоқларини кор ва муздан тозалаш, "Таъминотчи" томонидан ўрнатилган тамгаларнинг бутлигини назорат қилиш, куудаклардан юза оқаваси мавжудлигини таъминлаш, ёнгинга карши гидрантларга ўтиш йўлларини бекитмаслик, кўрсатилган ёнгинга карши гидрантларнинг кўрсатичлари яхши ишланини назорат қилиш;
в) "Истемолчи" худудида ёки унинг тасаррufидаги сув қувури, оқава тармоклари ва курилмаларининг устига турли буюм ва материалларнинг йигилишига ҳамда сув қувури, оқава тармоклари ва курилмаларининг устидан иншоотлар курилмаслигини, шу жумладан, ташки (кўча ва квартал ичидаги) сув қувури, оқава тармоклари ва курилмаларининг устидан иншоотлар курилмаслиги йўл кўймаслик.
г) коммунал сув қувури, оқава тармоклари ва курилмаларининг транзит нутгалирида ҳар кандай шикастланиши, бузилишлар хакида зудлик билан "Таъминотчи"ни хабардор қилиш;
д) сувни хисобга олиш приборларида якъол кўриниб турган носозликлар, шунингдек тамғани бутлигига шикаст етган ёки узиб ташланганини тўғрисидаги ҳолат аниқланганда ҳамда хисобга олинмаган ёнгинга карши гидрантлар мавжудлиги ҳакида дархол ёзма равишда ёки алоқа тармоклари (факс, электрон почта) орқали "Таъминотчи"га хабар бериш;
е) "Таъминотчи" билан тузилган шартномага мувофиқ мажбуриятларига риоя қилиш, ҳар ойнинг 23 дан 25 гача санаасида кўрсаткичларни ўз вактида ва аниқ очиб олиш ва ушбу кўрсаткичларни "Таъминотчи" жорий ойнинг охирги кунидан кечикмаган ҳолда маълумотларни тақдим қилиш ва тўловни амалга ошириш;
ж) шартномада белгиланган міндордан ортиқ ҳажмда сувнинг ортиқ сарф килиншишига ва оқава сувларининг меъордан ортиқ чиқарилшига йўл кўймаслик;
ж) "Таъминотчи"ни ўз вақтда сув ўтказиш-оқава хўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилидаги ўзгаришлар хакида хабардор қилиш;
и) "Таъминотчи"га тегишли бўлган ёки унинг худудида жойлашган сув ва оқава тармоклари, курима ва мосламаларининг мувофиқ техник эксплуатациясини таъминлаш;
ж) ишлаб чиқариш оқава сувларининг олдиндан тозалаш ишларини олиб бориши ва уларнинг ифлосланиш концентрациясини меъордаги кўрсаткичларга ўтиб кетмаслигини таъминлаш;
к) оқава тармогига туширилувчи сувларнинг сифатининг мониторингини таъминлаш;
л) "Истемолчи" худудида жойлашган сув ўтчаш тармоғи, коммунал сув ўтказиш ва оқава тизимларида ҳар кандай ишларнинг бажарилшига бегона шахсларни кўймаслик;
м) жамоат сув ва канализация тизимларини обьектларига шикаст зарап етказган "Истемолчи" дархол "Таъминотчи"га хабар бериши ва етказилган зарапни қоплаш учун "Таъминотчи" техник фойдаланиши коидаларини бузиш натижаларини "Таъминотчи" вакиллари талабига кўра бартараф этмас;

3.3. Таъминотчининг хукуклари:

- а) "Таъминотчи" кўйидаги холларда, истемолчини 7 кун аввал хабардор килган ҳолда, сув узатишни ва сув чиқаришни тўлик ёки кисман тўхтатиш хукукига эга:
б) "Истемолчи" худудида жойлашган ва унинг тасаррufидаги сув узатиш ва оқава тармоклари, мослама ва курилмаларининг техник холати коницариз ҳолатда бўлса ва "Истемолчи" техник фойдаланиши коидаларини бузиш натижаларини "Таъминотчи" вакиллари талабига кўра бартараф этмас;
в) "Таъминотчи"нинг вакили истемолчи худудида жойлашган ва унинг тасаррufидаги бўлган сув узатиш ва оқава тармоклари, мослама ва курилмаларида ишлар олиб бориш, тамға ўрнатишга бошқа ишларда "Истемолчи" томонидан асоссиз ҳалакт берилган тақдирда;
г) "Таъминотчи" томонидан режали олдини олиш таъмирлаш ишларини, сув ўтказиш ва оқава тармокларida ишлар бажарилшида, "Истемолчи" уларга уланган бўлса, ва янги "Истемолчи"ларни уланаш учун ишларни ўтказиша;
д) "Истемолчи"нинг хизмат кўрсатилишида ва унинг тасаррufидаги коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига ўзбошимча суб-истемолчиларнинг уланиб олганлиги аниқланганда;
е) "Истемолчи" ўрнатилган муддатларда тўлов хўжатларига мувофиқ тўловни амалга оширганда;
ж) "Таъминотчи"нинг розилигини олган суб-таъминотчиларнинг "Истемолчи" тасаррufida бўлган коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига уланипшига рад жавобини берганда;
ж) "Истемолчи"лар томонидан коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларини кўрсатиш шартларига риоя қилинмаганда;
з) энергия таъминоти тўхтатилганда;
и) табиий оғатларда;
й) аварияларда;
к) ёнгин чиқкан ерларга сув етказиш ҳажмини ошириш зарурияти туғилганда.
- 3.4. "Таъминотчи"нинг мажбуриятлари:
- а) сув таъминоти ва сув чиқариш бўйича шартнома шартларини бажариш;
б) сув етказилишини узлуксиз таъминлаш;
в) тизимли равишда давлат сув таъминоти ва канализация тармоқлари, истемол обьектлари ва курилмаларига уланган сув таъминоти ва канализация тармоқларини ҳолатини ва ишни тизимли назорат қилишини амалга ошириш ва уларни тўғри ишланиши ташкил этишида амалий ёрдам кўрсатиш; бюджет билан биргаликда "Истемолчи"лар сувидан оқилона фойдаланиши ва сувдан оқилона фойдаланишини аниқлаш, сувни этказиб бериши ва истемол қилишини катъий назорат қилиш ва хисобга олиш, саноатга мувофиқлигини мунтазам равишда назорат қилиш ва уларга тенглаштирилган сув истемол қилиш чеквларига риоя қилишини назорат қилиш;
г) "Истемолчи"ларга индивидуал хисоблаш курилмаларини ўз хисобидан ўрнатилгандан сўнг, ўрнатилган тартиб ва муддатларда уларнинг ишини текшириш;

- д) "Истемолчи"лар сув күвур хұжалигининг текширишни (индивидуал қисоблаш қурилмасыннан яхши ишпәттәнлигін текширган, улардаги назорат күрсаткычларини олган ва тамгаларнин мавжудлиги ва бутлигини аниклаган ҳолда) бир ойда билан бир марта ўтказиш ва мувофиқ далолатномаларни тузиш;
- е) "Истемолчи"га, ушбу шартноманың шартларини бажармаган ҳолларда, жарима яғни пеня тұловларини амалға ошириш;
- ё) сув таъминоти ва истемолига оид мөбөрий-хукуқый ва бошқа хужжатларнин қабул қилинганды ҳақида "Истемолчи"ларни хабардор килиш;
- ж) сув етказиш ва сув чиқариш учун хизмат ҳақын тұловларининг тарифлари оштаңда, улар күчта кирган күндан 15 күн аввал оммавий ахборот воситалари оркали маълумот берип;
- з) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари учун амалға оширилған тұловларнин ҳолаты, қарзларнин йүйгіті ҳақида маълумоттар ва маълумотномани "Истемолчи"га белуп берип;

VI. Тарафларнин жағобгарлығы

4.1. "Таъминотчи" ушбу шартномага мувофиқ мажбуриятларни бажармасында ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда келиб чиқкан зарарни, "Истемолчи" эса етказилған ҳақиқий зарарнин үринини қоплаши шарт.

4.2. Истемолчи күйидагилар учун жағобгардир:

а) сув қисоблаш қурилмасындағы тамгалар, айланыш чизиги жұмраги, гидранттар ва бошқа сув үзитили мосламаларидаги қисмларнин үннінг ҳудудида ва тасарруфыда бўлған тамғаланған қисоблаш қурилмаларининг бутилиги ва сакланышы учун;

б) сув тармокларига ўз бошнимча уланиб олип, союқ сувни қисобга олиш қурилмаларининг касдан бузилишига йўл қўйиш ҳамда сув қисоблаш қурилмаларидаги кўрсаткычларни ташқаридан аралаштап ҳолда ўзғартириш ҳолатлары учун;

в) конунчилликда үрнатилған бошқа ҳолларда.

г) ўзбошимчалик билан қурилған иншоатлар сабабидан тармоклардаги авариялар бўлған ҳолатларда;

д) коммунал дренаж тизми мавжуд бўлса "Истемолчи" ҳудудида жойлашган оқава тармоғига ёмғир ва эриган кор сувларнин тушшигига йўл қўймаслик. Ушбу қоидабузарлик аниқланганда "Таъминотчи" ходими үрнатилған тартибда далолатнома тузади ва ушбу далолатнома "Истемолчи"нинг масъулият ва жағобгарлик чорасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат килиди.

4.3 "Таъминотчи" кўйдаги ҳолларда жағобгарлар:

а) амалдаги мөбөрий-хукуқый хужжатларнин талабларига мувофиқ, узатилаёттан сувнинг сифати ва қонунчилликда ва шартнома шартларда кўзда тутилған бошқа ҳолларда;

б) "Истемолчи"ларга сув таъминотига уланиш ва сув чиқариш хизматларидан фойдаланиш учун зарур бўлған техник шартларнин ўз вактида ва ишончли тақдим қилиниши учун;

в) "Истемолчи"нинг ҳаёті, саломатлиги ва мол-мұлкига етказилған зарап, маънавий зарап учун қонунчилликда үрнатилған тартиб ва миқдорда, қоплаш;

г) шартнома шартлари ва юқлатилған мажбуриятларни бажармаслик;

д) қонунчилликда үрнатилған бошқа ҳолларда.

V. Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун қисоблар ва тұловларнин тартиби

5.1. Коммунал сув таъминоти тизимида чиқарилған (қабул қилинған) сувнинг қисоби қисоблаш қурилмасы мавжуд бўлғанда, қисоблаш қурилмасыннан кўрсаткычларига мувофиқ, амалдаги тарифлар бўйича КҚСни қисобга олган ҳолда амалға оширилади.

5.2. Оқава тизимида келиб тушувчи оқава сувнинг миқдори, шахар сув тармоғидан етказиб бериладиган сув миқдорига тенг. Марказлашган ҳолда иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлған ҳолларда, истемолчи килинувчи союқ сув миқдорига 2.0 коэффициенти кўлланилади. "Истемолчи"нинг ўзиди сув таъминотининг қурилмалари мавжуд бўлса, оқава сувларнин миқдори ушбу сув қурилмаларининг маҳсулдорлигига (ёки үрнатилған ва рўйхатга олинган қисоблаш қурилмаларининг кўрсаткычларига) кўпайтирилади. Ички сув таъминоти тизими "Истемолчи"нинг шахсий автоном манбаси билан боғлиқ бўлмаслиги лозим.

VI. Алоҳида шартлар

6.1. Объект зетаси ўзгарғанда истемолчи чиқиб кетишидан 7 күн аввал дебиторлик қарзларини узиди, бу ҳақда Таъминотчи билан далолатнома имзолаши шарт. Истемолчи чиқиб кетгач, сувни қисобга олиш асбоби, пломбаларнин бутилиги ва қопланмаган дебитор қарздорлик учун жағобгарлик объектнинг янги эгаси зинмасига юқланади.

6.2. "Истемолчи"нинг сув узатиши-оқава хўжалигидаги барча ўзгаришлар таъминотчи томонидан "Истемолчи"нинг хати келиб тушган күндан бошлаб қисобга олинади.

6.3. Етказиб берилған ёки қабул қилинған ичимлик суви ҳажми қувернинг ўтказиш қобилиятидан келиб чиқиб ойнинг календар кунлари қисобидан кўйдаги формула асосида қисобланади:

$$Q=M \times F \times \sqrt{2g} \times H \times t$$

бунда: M – 0,60ға тенг бўлған зулғин оркали сув сарфи коэффициенти;

F – суюклик оқиб ўтадиган күвур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр бўйича) m^2 ;

g – 9,81 м/сек га тенг бўлған эркин түшиш тезлиги;

H – сувнинг метрлардаги босими;

t – вакт – 24 соат, секундларда;

Кўйидаги ҳолатларда:

6.3.1. "Истемолчи"да сув ўлчаш асбоб ва мосламалари йўқ бўлған ҳолатларда (ёки носоз ҳолатда);

6.3.2. Сув ўлчаш асбоби ёки мосламаси "Таъминотчи"да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

6.3.3. Ичимлик суви билан ўзбошимчалик билан фойдаланиб, сув сепилгандан, автомашиналар ювилгандан;

6.3.4 Сув ўлчаш асбоби, мосламаси ишдан чиқсан, синган, бузилған ҳолатда, сарфланған сув ҳажми ушбу шартнома 6.3 бандида кўрсатилғанига мувофиқ, энг сўнгги тузилған далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш асбоби үрнатилиб, (рўйхатдан ўтказилған) кунгача қисобланади;

Сувни қисобга олиш асбоби истемолчининг айбисиз носоз бўлған тақдирда сарфланған сув миқдори олдинги уч хисоб-китоб ойидаги ўртача сарф бўйича аниқланади. Ҳисоб-китобнинг бундай тартиби бир ойдан кўп кўлланилиши мумкин эмас. Агар сувни қисобга олиш асбоби кўрсатилған муддат мобайнида үрнатилмаса, сарфланған сув миқдори II гурух истемолчилари учун ушбу Қоиданинг 87-«б» банди бўйича ҳисоб-китоб килинади;

6.3.5. "Истемолчи"нинг ичимлик суви ва канализация тизими коммуникацияларидан сув истроф бўлиши ҳолатлари аниқланган ҳолатларда;

6.3.6. "Таъминотчи"нинг сув ўлчаш бўгинини диаметри кичикроқ бўлған мосламага алиштириш тўғрисидаги талабномаси кондирилмаган, бажарилмаган ҳолатларда;

6.3.7 Сув ўлчаш асбобининг ҳисоб-китобини олиб бориш бўтинидаги ќўйилған химоя қопланмага рухсатсиз тегилини натижасида, ичимлик сув соғ сарфини аниқлаш имконияти чегараланганда;

6.4. Ичимлик суви ва оқава сув коммунал тизимларига (жумладан ёнғиндан сакланыш гидрантлари ва хонадон қуверларига) ўзбошимчалик билан уланиб олинган ва фойдаланилган ҳолатлар аниқланганда, "Таъминотчи" томонидан далолатнома тузилади ва шу тузилған далолатнома ўзбошимчалик билан уланиб олган шахснинг жағобгарлиги даражасини аниқлаш ва "Таъминотчи"га етказилған зарарни қисоблаш учун асос бўлиб хизмат килиди. Бунда:

-тўлов муддати, энг сўнгги тузилған далолатнома санасидан ўзбошимчалик билан уланиб олинган кун санасигача ёки янги сув ўлчаш асбоби үрнатилиб, рўйхатдан ўтказилған кунгача, ёки ўзбошимчалик билан уланиш узиди ташланған кунга қадар ҳисобга олинади.

-ўзбошимчалик билан уланиб олинган санадан бу ҳақда маълум бўлган санагача, агар "Таъминотчи" балансдаги тармокларга уланиш содир этилган бўлса, бу муддат дарво аризаси ёзилган муддатдан ошмаслиги зарур. Агар ўзбошимчалик билан уланган санани топши, аниқлаш мумкин бўлмаса, бу муддат дарво муддатига тенг деб олиниди;

6.5 Техник шартлар 2 йил муддатга берилади. Белгиланган муддат тутагач буюртмачи (объектни лойхалаштириши ва куришни бошлаш учун) лойиха муддатини чўздириши ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган ҳолда ёки муддати ўтган ҳолда, "Таъминотчи" томонидан сув узатиш хизматларини якунлашга асос бўлади.

6.6. "Истемолчи" коммунал сув таъминоти ва окава сувни чиқариб юбориш тармоқларига уланиш санаси ҳақидаги хужжатларни тақдим этмаган ҳолатларда "Таъминотчи" томонидан, хоким карори ва кадастр хужжатлари ва шу кабилар асосида, хужжат билан тасдиқланган уланиш санаси бўйича хисоб-китоб килишга ҳақицидир.

6.7. Ишлатилган ичимлик суви ва кабул килинган окава сув учун тўловлар, "Таъминотчи" томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида уларга хизмат киливчи бинклар орқали амалга оширилади. Бу тўловлар "Истемолчи" томонидан 3 кунлик муддат ичикад акцептесиз тартибида амалга оширилади. Тўловлар ўз вактида амалга оширилмаган тақдирда, "Таъминотчи" кечиктирилган тўловнинг хар бир куни учун 0.4 % пеяна ёзди ва унинг умумий қиймати асосий тўловнинг 50%дан ошмаслиги лозим.

6.8. "Истемолчи" хисоб рақами бўлмаган тақдирда, тўловлар банк бўйлимларининг кирим кассаси орқали, хисобот давридан кейинги 10 кун муддат ичига тўланади.

6.9. «Таъминотчи» тўловнинг хар бир даври учун, аввалги ой тўловининг 100 % микдорида оддиндан тўловлар (предоплата)ни белгилайди ва бу тўлов кеинги ой хисобига кўшилади. Агар "Истемолчи" иккى ҳафта муддат ичига тўловни амалга ошириласа, "Таъминотчи" хеч кандай огохлантиришлариз ичимлик сувини етказиб беринши ва окава сувларни чиқариб юборинши карз ундиримагунга кадар тўхтатиб кўйиш хукукига эга. Бундай ҳолларда ёнғиндан сакланниш ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлиқ "Истемолчи" зиммасига юклатилади. Сув таъминоти ва окава сув чиқариш тизимидан илгари узб кўйилган ҳолларда кайта улашда II гурӯх истемолчиларидан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 (үн) баробари микдорида тўлов кайта улашни амалга оширган ташкилот хисобига маблағларни ўтказиш орқали ундириллади;

Канализация тизимига рухсат этилмаган ёмғир ва эркин кор сувлари оқизилаётган ишлаб чиқариш окава сувларини "Истемолчи" лар томонидан ташлаш тартиби Вазирлар Махкамасининг 2010 йил 3 февраль кунида қабул қилинган 11 сонини карори билан тасдиқланган "Ишлаб чиқарип окава сувларини қабул қилиш коидалари" хамда ифлослантирувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа ахоли пунктларининг коммунал канализация тармокларига нормативдан ортиқча оқизилганини учун "Истемолчи"ларга белгиланган тарифга нисбатан 3 (уч) баробар ортирувчи коэффицент микдор тартибида хисобланади.

6.10. Хисоб-китобнинг нотўғри қилинганилиги (тарифларининг нотўғри хисобига олинганилиги ва шу каби ҳолатлар) тўғрисида "Истемолчи" га ёзиладиган эътироzonma тўлов хужжати олингандан кейин 5 кун муддатда "Таъминотчи"га тақдим этилиши керак. Эътироzonma "Истемолчи"ни тўлов хужжатида кўрсатилган суммани тўлиқ ва белгиланган муддатда тўлашдан озод килмайди.

VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиқсан низолар, келишув йўли билан ҳал қилинади. Агарда иккى томондама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси конунчилигига амвоғик Тошкент шаҳар туманлараро иктиносидий судидаги кўриб чиқилади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиқсан тақдирда, Конунчиликда белгиланган тартибида ҳал қилинади.

VIII. Форс – мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари (зилзила, сув тошкни, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий оғатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар музкур шартноманинг бажарилшигига бевосита таъсири этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликтан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажарип муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равища узайтирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичига бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошланган муддатларни кўрсатган ҳолда ёзма равищда огохлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўскинлик қилса, томонлардан бири шартномани бекор килиш хукукига эга.

IX. Шартноманинг амал қилиши муддати

9.1 Ушбу шартнома иккى нусхада тузилган бўлиб, иккى тарафда бир нусхадан сакланади.

9.2 Шартнома газначилик бўлинмаларида рўйхатга олингандан кундан бошлаб кучга киради ва 202_ йилнинг 31 декабригача амал қилади.

«ТАЪМИНОТЧИ»

«Тошкент шаҳар Сув таъминоти» МЧЖ
Тошкент 100060, Фидокор 2

Тел: 252-19-68, 252-60-79
Факс: 252-19-44
www.suvsoz.uz
100060, Республика Узбекистан, г. Тошкент,
Фидокор, дом-2 Тел: 71-252-19-55, 71-252-19-65
Р/с: 2263 8000 9001 0149 9500
АТИБ Ипотека банк в Мехнатский филиал
МФО: 00423 ИНН: 201 052 713 ОКЭД: 36000
код ИДСАЗ26010005341

Рахбар _____
М.У. (Ф.И.Ш., имзо)
«___» 202__ й.

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва "Хужалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-хукукий асоси тўғрисида"ги Конунталабларига мувоғик тузилган

Хукукшунос

«ИСТЕМОЛЧИ»

Манзум
Тел:
Район: Юнусота қучаси, 2-й. Тел: 223-10-80, 222-99-37
Факс:
Банк:
Банк коди:
ИНН: 201122879 ОКЭД 84120
Шахсонлик
Шахсонлик
Банк:
Банк коди:
МФО 00014 ИНН 202

(газначилик бўлинмаси ҳамои)
Рахбар _____
М.У. (Ф.И.Ш., имзо)
«___» 202__ й.
БОЗОБОЗОД СЕРВИСЛАРИ
ОЗБЕКСТАН РЕСПУБЛИКАСИ

«___» 202__ й.